

Болажонларга мактуб (6)

05:00 / 15.02.2017 2873

ОЛТИНЧИ САБОҚ

ПАЙҒАМБАРИМИЗ МУҲАММАД АЛАЙҲИССАЛОМ

Ассалому алайкум, менинг шириндан-шакар болажонларим! Иккинчи машғулотимизда сизларга «Ла илаҳа иллоллоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ» деган калимани ўргатиб, унинг иккинчи қисмини кейинги дарсларда тушунтириб бераман, дегандим. Эсингиздами? «Ла илаҳа иллоллоҳу» дегани «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ» деган маънони англатишини билиб олгансиз, тўғрими? «Муҳаммадур расулуллоҳ» дегани эса «Муҳаммад — Аллоҳнинг расули, элчиси» маъносидадир. Бешинчи дарсда айтганимдек, Муҳаммад алайҳиссалом — Аллоҳнинг охирги пайғамбари. У кишидан кейин ҳеч ким пайғамбар бўлмайди. Бу киши ер юзидаги ҳамма халқларга пайғамбар ҳисобланадилар. У кишининг насиҳат ва айтганларини одамлар қиёмат бўлгунча бажаришлари шарт. Юқоридаги калимани айтиш мусулмончиликнинг энг биринчи, энг зарур шарти деган эдик, тўғрими? Демак, Пайғамбаримизнинг ҳамма айтган гапларини, ўргатган ишларини қилиш, қайтарган ёмон ишларидан қочиш мусуимонларнинг энг зарур вазифалари ҳам бўлади.

Пайғамбаримиз инсонларнинг энг олийси, энг ҳурматлиси, энг одоблиси, энг суюклиси бўлганлари учун у кишини жуда ҳурмат қилишимиз, номлари олдида «Ҳазрати» сўзларини қўшиб, номларидан кейин эса «алайҳиссалом», «соллаллоҳу алайҳи васалаам» деган шарафлар билан ҳамиша бут қилиб айтишимиз керак. Номларини тоқ айтиш у кишига нисбатан жуда ҳурматсизлик бўлади, Бу гапим доимо эсингизда турсин, хўпми, ширинтойларим!

Энди сизларга Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаётларидан озгина гапириб берай! Севимли пайғамбаримиз милодий 571 йили Маккада туғилганлар. Оталарининг исми Абдуллоҳ, оналариники Омина эди. Ота-оналари Маккадаги обрўли оилалардан бўлганлар. Туғилмасларидан икки ой аввал оталаридан, олти ёшларида оналаридан эгим қолдилар. Саккиз ёшгача боболари Абдулмутталиб, кейин эса амакилари Абу Толиб тарбия қилишди. Муҳаммад алайҳиссалом ёшликдан жуда ҳалол, тўғри сўз, покиза инсон бўлганлар. Бирор марта ёлғон сўзламаганлар. Бировни сўкиб-урмаганлар, қаттиқ гапирмаганлар. Бошқаларни алдамаганлар. Ҳатто ёш болаларга ҳам биринчи бўлиб салом берганлар. Бировнинг бир сўм пулига ё молига

хиёнат қилмаганлар. Ана шундай яхши фазилатли инсон бўлганлари учун у зотга қирқ ёшга етганларида Аллоҳ томонидан пайғамбарлик берилди. Жаброил фаришта Аллоҳ томонидан етказиб келган ваҳий (амр-фармонлар)ни Жаноби Пайғамбариниз барча одамларга етказиб, уларни тўғри йўлга, Аллоҳнинг буйруқларини бажаришга чақира бошладилар. Ана шу тўғри йўлга чорлаш, Аллоҳни танитиш «дин» дейилади. Бизнинг динимиз эса «Ислом дини» деб аталади. Ислом динидаги кишилар мусулмон дейилади.

Аммо ёмон, гуноҳ ишларга ўрганиб қолган, ҳасад ва очкўзликка ботиб кетган, Ислом динининг тарқалишига қарши бўлган Маккадаги Ислом душманлари Ҳазрат Пайғамбаримизнинг айтганларига кўнишмади. Аксинча, ўн уч йил мобайнида у кишига очикдан-очик душманлик қилишди. Мусулмонлар бошига ҳеч ким кўрмаган азоб-уқубатларни солишди. Ҳатто у зотни ўлдиришга ҳам уриниб кўришди.

Ниҳоят Аллоҳнинг амри билан мусулмонлар, яъни Ислом динига кирганлар Макка шаҳридан Мадина шаҳрига кўчишди, Бу кўчиш арабчада «Ҳижрат» дейилади. Мусулмонларнинг ҳижрий йил дегани ана шу воқеадан олинган. Жаноби Пайғамбаримиз Мадинада ҳам ўн йил тинмай ишладилар. Аллоҳнинг буйруқларини ёйиб, Унга хизмат қилдилар, одамларни ҳақорат, зулм, нодонлик, ҳақсизлик, ахлоқсизликлардан қайтардилар. Дунёга илм, адолат, саодат нурларини тарқатдилар. 63 ёшларида бетобланиб Мадина шаҳрида вафот этдилар. Ҳозир қабрлари ўша ерда, ўзлари қурдирган масжид ичига жойлашган.

Бизнинг Ҳазрати Пайғамбаримиз ана шундай ажойиб инсон бўлганлар. Шунинг учун биз доимо у кишига ҳурмат-эҳтиром кўрсатамиз. Айтган ҳамма буйруқларини бажаришга ҳаракат қиламиз. «Бу ишни қилманг» деган бўлсалар, асло яқин йўламаймиз. Ана шу ҳаракатларимиз Пайғамбаримиз суннатларига риоя этганимиз бўлади. Келинг, қўлларимизни очиб бир дуо қилайлик: «Ҳамамизга Муҳаммад алайҳиссалом суннатларига, яъни кўрсатмаларига риоя этиш насиб этсин, Аллоҳ таоло ўзининг тўғри йўлидан адаштирмасин!»